2012 ЙИЛ 6 МАРТ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (12.107)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

## МАРКАЗ ЁШ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИГА ҚАНОТ БАХШ ЭТМОҚДА

***«Баркамол авлод» республика болалар марказида Наврўз байрамини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу яшариш ва янгиланиш айёмига бағишланган турли тадбирлар ва концерт дастурларида бу ерда шуғулланаётган 50 нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этади.***

– Бизнинг мактабдан ташқари таълим муассасамиз олдига қўйилган асосий вазифа – болажонларнинг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда, ижодий ва бадиий қобилиятларини шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборат, – дейди «Баркамол авлод» республика болалар маркази раҳбари Дониёр Эрматов. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилинган «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълимнинг ушбу йўналишини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Болалар марказида 42 тўгарак фаолият кўрсатмоқда, шулардан 19 таси бадиий йўналишдаги тўқиш, бичиш-тикиш, тасвирий санъат, архитектура, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, либослар модели ва дизайни, қандолатчилик ва пазандалик, матоларга мунчоқ қадаш, «Моҳир қўллар» тўгаралари, доирачилар, «Юлдуз» ва «Наврўз» раққосалар ансамбларидир.

Болажонлар пухта тайёргарлик кўрилаётган турли байрам тадбирларида иштирок этади.

– «Наврўз» раққосалар дастаси 2003 йилда ташкил этилган, – дейди унинг раҳбари Турсуной Сафоева. – Янги концерт дастуримиз дунё халқлари рақсларидан иборат. Маълумки, рақс дўстлик туйғуларини сўзсиз ифодалаш қудратига эга. Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги рақс санъатини эгаллашни ҳаётдаги асосий мақсадларидан бири деб билса, баъзилари фақат чиройли ўйинга тушишни истайди.

Ҳозир тўгаракларга қарийб 800 нафар бола қатнашмоқда. Улар билан 42 нафар тўгарак раҳбарлари ва 9 нафар методистлар машғулот олиб бормоқда. Болалар маркази тарбияланувчиларининг сони мунтазам ортиб бораётир. Бу маҳаллалар, жамоат ташкилотлари ва мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, уларда маданий-маърифий тадбирлар ва маҳорат дарслари ташкил этилаётгани самарасидир.

– Ўзим ҳам бир вақтлар ёғоч ўймакорлиги тўгарагига қатнаганман, энди эса болаларга билим ва тажрибаларимни ўргатяпман, – дейди Саидкомил Хўжаев. – Отам ўймакор уста бўлган ва мен ҳам миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарини муносиб давом эттириш учун ҳаракат қилмоқдаман. Шогирдларимнинг кўпчилиги мураккаб деталлар ва буюмлар, масалан, анъанавий қопқоқли қаламдонлар ва яхлит ёғочдан кўп поғонали лавҳлар ясашни билади. Уларнинг маҳорат ва кўникмалари кўплаб кўрик-танловларда юқори баҳоланиб келмоқда.

«Баркамол авлод» маркази тарбияланувчиларининг кўпчилиги бадиий ижод йўналиши бўйича ташкил этилган миллий ва халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаган.

– Ёғоч ўймакорлиги тўгарагига 2004 йилдан бери қатнашаман, – дейди 9-синф ўқувчиси Абдураҳмон Ҳожимуродов. – 2009 йили бўлиб ўтган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалида ишларим биринчи ўринга лойиқ топилди. Ўз ишларимда анъанавий ва замонавий йўналишларни уйғунлаштиришга ҳаракат қиламан. Бу эса жозибали буюмлар ясашимга ёрдам беради.

Буларнинг барчаси мактабдан ташқари таълим ёш авлодни тарбиялаш ҳамда бой миллий анъаналаримиз ва маданиятимизни асраб-авайлашда муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Куала-Лумпурдаги «Роял Чулан» меҳмонхонасида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Малайзия вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари ва етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этди.***

## КУАЛА-ЛУМПУРДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Маросим қатнашчилари Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган пайтдан буён ўтган 20 йил мобайнида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш борасида қўлга киритилган муваффақиятлар тафсилотлари билан танишдилар. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий транспорт-коммуникация инфратузилмасини шакллантиришда эришилган ютуқлар ҳамда Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида олиб борилаётган ва республикамиз келгуси тараққиётининг ишончли асосларини яратишга қаратилган бошқа ўзгаришлар хусусидаги атрофлича маълумотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

**Малайзия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Кохилан Пилай** таъкидлаганидек, Малайзия доимо Ўзбекистонга Ўрта Осиёдаги стратегик шерик сифатида қарайди. «Мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил равишда ривожланиб келаётир ва у томонларнинг манфаатларига тўла жавоб беради», деди у.

К.Пилайнинг қайд этишича, дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён икки мамлакат етакчилари ўртасидаги яқин сиёсий алоқалар Ўзбекистон-Малайзия ҳамкорлигининг мунтазам кенгайиб боришида муҳим аҳамият касб этгани ҳолда ҳукуматлараро даражадаги фаол ҳамкорлик билан доимий равишда мустаҳкамланиб келади.

- Ўзбекистон Малайзия техникавий ҳамкорлик дастури доирасида кўрсатилаётган кўмакка ижобий муносабат билдираётгани мени жуда ҳам қувонтиради, — деди малайзиялик дипломат. — Ўтган давр мобайнида 465 нафар ўзбекистонлик мутахассис Малайзияда бўлиб қайтди.

**Куала-Лумпур мэри Аҳмад Фуад Бин Исмоил** Ўзбекистон барча соҳалар бўйича тез ривожланаётган ҳамда ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда катта муваффақиятларга эришаётган мамлакат эканлигини таъкидлади. «Бунинг асосида, табиийки, ўзбек халқининг меҳнаткашлиги, унинг кўҳна тарихи ва анъаналари ҳамда бой маданий ва илмий мерос ётади», деди Малайзия пойтахти мэри. Унинг фикрича, Шарқнинг буюк олим ва мутафаккирлари бўлган Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Ал Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд меросини, шунингдек, улуғ саркарда, илм-фан, санъат ва меъморчилик ҳомийси Амир Темур томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва юқорида номлари тилга олинган бобокалонларингизнинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини бутун дунё юксак қадрлайди.

— Ўзбекистон тараққиёт борасидаги асосий мақсадига, яъни мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашига эришиш йўлида изчиллик билан ҳаракатланаётгани билан ажралиб туради, — дея таъкидлади Куала-Лумпур мэри. - Шаҳримиз маъмурияти инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон ва мамлакат пойтахтининг улкан сайёҳлик салоҳиятини янада яхшилашда Тошкент билан яқин ҳамкорликка тайёрдир.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Марказий банки томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизимининг роли» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида ушбу муассасада бир ой давомида малака оширган профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросими ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**• Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ислоҳотларни янада ривожлантиришда аёлларнинг иштироки ва масъулиятини ошириш» лойиҳаси асосида истеъдодли ёшларнинг тасвирий ва халқ амалий санъати кўргазмаси ташкил этилди. «Тараққиёт» минтақавий тадқиқот маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

**• Урганч шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари махсус грантларининг тақдимот акцияси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда «Таълим грантлари», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар» ва «Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастурлари ҳақида олий ўқув юртларининг талабалари, иқтидорли ёшлар, тадбиркор аёллар, шунингдек, жамоатчилик вакилларига батафсил маълумот берилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Ўрта Ер денгизида ҳалокатга учраган Costa Concordia саёҳат кемасида икки нафар одам топилган. Улар асал ойини ўтказиш мақсадида денгиз саёҳатига чиққан Жанубий Корея фуқароларидир. Ёш оила кема ичидаги каюталардан бирида қамалиб қолган бўлиб, тирик қолишларидан умидлари узилган икки ёш ёрдамга чақираётган вақтда қутқарувчилар гуруҳи уларни эшитиб қолиб ҳаётларини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.**

**• Кучли қорбўрон туфайли душанба куни тунда Бельгиянинг ғарбида жойлашган 100 минг хонадон электр тармоғисиз қолган. Шундай ҳолат Франция шимолида истиқомат қилувчи 120 мингдан ортиқ уйларда ҳам кузатилган.**

**• Токиода жойлашган маҳаллий Kasai Rinkai аквариум хонасидан пингвин қочиб кетган. Гувоҳлар дам олиш куни қушнинг шаҳар бўйлаб «саёҳат» қилиб юрганини айтишган. Айнан қандай қилиб пингвиннинг аквариумдан чиқиб кетгани ҳозирча номаълум.**

**• Афина жанубининг Элевсин портида 1800 тонна нефть жойланган танкер чўкиб кетган. Ҳалокатга учраган кема ичида жами ўн нафар одам бўлган, шундан биттаси, яъни кема капитани ҳаётдан кўз юмган. Грек қирғоқ қўриқчиларининг хабарига кўра, бундай ҳолат денгизнинг ифлосланишига сабаб бўлиши мумкин.**

**• Жанубий Кореянинг «Чон У 3» балиқ овловчи кемасида ёнғин чиқиши оқибатида икки нафар экипаж аъзоси – Вьетнам фуқаролари ҳаётдан кўз юмган. Ёнғин сабаблари ҳали аниқланмаган, аммо, маълумотларга қараганда воқеа кеманинг балиқ овлаш ҳудудига бориш учун тайёргарлик кўраётган вақтда содир бўлган.**

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Офицерлар марказий уйида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Энг гўзал ҳарбий аёл» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

### Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ЭНГ ЯХШИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ АЁЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Жамиятнинг маданий ва маънавий даражаси кўп жиҳатдан хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўз салоҳиятини намойиш этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрик-танлов ҳарбий хизматчи аёлларни рағбатлантириш, уларнинг касб маҳоратини ҳар томонлама ошириш, ўз қобилиятларини намойиш этишлари учун имконият яратиш, шунингдек, Ватан ҳимоячилари бўлмиш иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Кўрик-танловнинг ҳарбий округлар, олий ҳарбий билим юртлари ва Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинларида ўтган дастлабки босқичларининг ўн нафар ғолиби ўзларининг юксак ҳарбий тайёргарлигини, маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий фанлар бўйича юқори билим даражасини, шунингдек, ижодий қобилиятларини намойиш этди.

– Илк бор ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг айнан Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилаётганида катта маъно бор, – дейди Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ бошқарув аппаратининг етакчи мутахассиси Тамара Маманова. – Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат туфайли йилдан-йилга мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу тадбир жамиятимизда аёл меҳрибон она ва мунис рафиқа, оиланинг кўрки бўлиш билан бирга ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси ҳам эканлигини яққол кўрсатди.

Кўрик-танлов якунлари бўйича «Ҳарбий хизматчи аёллар орасида энг яхши мерган», «Энг билимли ҳарбий хизматчи аёл», «Энг гўзал ҳарбий хизматчи аёл» каби алоҳида ва бошқа кўплаб номинациялар бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди. Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмида шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент олий ҳарбий қўмондонлик билим юртининг кичик сержанти Зебинисо Валихонова ва Шарқий ҳарбий округда шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Мавлуда Шамсиддиновага насиб этди.

– Биз давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз, – дейди кўрик-танлов ғолиби, шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева. – Ватан ҳимоячилари ҳурмат қилинадиган, хотин-қизларнинг ўрни юксак баҳоланадиган мана шундай мамлакатдагина бундай тадбирларни ўтказиш мумкин. Мен учун энг муҳими ғолиб бўлиш эмас, балки иштирок этишдир. Зеро, бундай тадбирларнинг ўтказилиши натижасида ўз тайёргарлигимиз ва касб-маҳоратимизни оширамиз, ўз иқтидоримизни намойиш қилиш, энг муҳими, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имконига эга бўламиз.

**С.ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан «Қадамингда, гуллар элчиси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежида ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир «Мутахассислар ва мутахассислик» деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида баҳор байрамига бағишланган «Баҳор верниcажи» номли бадиий кўргазма ташкил этилди.

Ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда

# ТУМАНЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ









***Аввал маълум қилганимиздек, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ҳамда пойтахтимизнинг барча ҳудудларининг санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги фармойишига мувофиқ Наврўз умумхалқ байрамига қадар шаҳарда Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги эълон қилинган эди.***

Албатта бу эзгу ишларни амалга оширишда халқимизга хос бўлган ҳашарнинг ўрни катта. Шу муносабат билан 3-4 март кунлари пойтахтимиздаги барча корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллалар аҳли иштирокида кенг миқёсли оммавий ҳашар тадбири ўтказилди.

Ҳашар давомида корхона ва ташкилотлар, истироҳат боғлари, маҳаллалар ҳудудларида, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофида, йўл ва йўлаклар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, лотоклар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларида кенг қамровли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилди.

— Ҳашар муносабати билан маҳалламиз аҳли бир тан, бир жон бўлиб аввало ўз уй атрофларини тозалашга, уни обод ва кўркам қилишга киришди, — дейди Учтепа туманида жойлашган «Зулфизар» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Садриддин Ҳасанов. — Маҳалламиз асосан ҳовли-жойлардан иборат. Ҳашарда маҳалла фаоллари билан бир қаторда ёшларимиз ҳам жонбозлик кўрсатишди. Бўш ерларга мевали дарахтлар экилди. Хуллас, бизда ҳашар ўзига хос маҳалла байрамига айланиб кетди.

— Ҳудудимизда асосан кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган, — дейди Миробод туманидаги «Мовароуннаҳр» маҳалласи фаоли Раиля Иминжонова. — Маҳалламиз аҳли ҳамжиҳат бўлиб, нафақат ўз уйлари атрофида, балки маҳалламизнинг бутун ҳудудида санитар тозалаш ишлари олиб боришди. Ҳудудимизда жойлашган катта-кичик корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам ҳашардан четда туришмади. Олиб борилган оммавий тозалаш ва ободонлаштириш ишлари барчамизнинг кўнглимизни шод этди.

Баҳор она табиатнинг уйғониш фасли ҳисобланади. Шу боис, бу фаслнинг ҳар бир кунини ғанимат деб билайлик. Мевали дарахт кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини асло унутмайлик, азизлар!

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН БАРЧАМИЗ БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ПОЙТАХТИМИЗДА НАВРЎЗИ ОЛАМНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ҲАШАРЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, БАҲОРИЙ ХУШ КАЙФИЯТ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛИШИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК.**

# КУАЛА-ЛУМПУРДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Сенатор Машихита Ибрагаим** икки мамлакат халқларини бирлаштириб турадиган қатор муштарак жиҳатлар мавжуд эканлигини қайд этди. «Бу кўп миллатли жамиятда барқарорликни сақлашга интилиш, Ўзбекистонда ва Малайзияда яшаётган турли дин, элат ва маданиятлар вакилларининг динлараро ва эътиқодлараро бирдамлигида намоён бўлади», деди сенатор.

Ўзбекистон эришган муваффақиятлар ҳақида фикр юритар экан, М. Ибрагаим мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт борасидаги ютуқлари ҳамда тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг қатор минтақавий ва умумбашарий масалаларини кўтарувчи давлат сифатидаги халқаро обрў-эътибори ошиб бораётгани ҳақида кўп маротаба эшитганини қайд этди.

— Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янада юқори даражасига эришиш йўлида изчил ҳаракатланишдан ҳар икки мамлакат бирдек манфаатдордир, — деди у. — Бу омил эса турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Дипломатия корпуси дуайени, Бирлашган Араб Амирликларининг Малайзиядаги элчиси Нассер Салман** хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари номидан Ўзбекистонни икки мамлакат алоқалари тарихидаги муҳим сана билан қутлар экан, ҳар икки давлатнинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги доимо прагматизмга асосланганлиги ҳамда ҳозирги замоннинг кўплаб долзарб муаммоларини ҳал этиш борасида ёндошувларнинг яқинлиги билан ажралиб туришини қайд этди.

— Ўзбекистон ва Малайзия Ўрта Осиё ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларида ўта муҳим ўрин эгаллайди, — деди Н.Салман.

# МОСКВАДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИЁТИГА БАҒИШЛАНГАН ТЎПЛАМ ЧОП ЭТИЛДИ

***Маълумки, ўзбек халқининг асрлар давомидаги ёзма ва оғзаки ижоди, ўзига хос анъаналари, мухтасар қилиб айтганда, бой маънавий мероси халқимизнинг тарихий хотираси билан узвий боғлиқдир.***

Яқинда Россиянинг давлатноширлик уйларидан бири — «Художественная литература» нашриётида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида Ўзбекистоннинг бой адабий меросига бағишланган «Очилаётган атиргуллар ифори» («Аромат расцветающих роз») номли икки жилддан иборат бўлган тўплам нашр этилди. Унда ўзбек халқ ижодининг энг сара намуналари жамланган.

«Очилаётган атиргуллар ифори» халқимизнинг дунёқараши, унинг юксак маънавий олами хусусида атрофлича тасаввур берадиган бой мазмунга эга асарларни ўз ичига олган. Хусусан, турли-туман йўналишдаги миллий ашулалар, достон, эртак, мақол ва маталлар унинг саҳифаларидан жой олган.

**«Россотрудничества» раҳбари, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, сиёсий фанлар доктори, профессор Фарит Мухаметшин** мазкур тўпламга ёзган кириш сўзида қайд этганидек, Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасига хос бўлган хусусият ва қонуниятлар билан умумбашарий жараёнларни акс эттирадиган буюк ўтмишга эгадир. «Ўзбек халқи ўзининг бой маданий меросини севади ва уни асраб-авайлайди», деб ёзади у. Ф. Мухаметшиннинг фикрича, бугун Ўзбекистон халқи ўзининг маънавияти, маданияти ва миллий анъаналарига таянган ҳолда, жамиятнинг барча соҳаларида мамлакат тараққиёти ва гуллаб-яшнаши, фуқароларнинг фаровонлигини таъминлаш йўлида туб ўзгаришларни рўёбга чиқараётгани баробарида ёшларга миллатнинг тарихий ўтмишидан фахрланиш туйғусидан сабоқ бермоқда.

— Биз Ўзбекистон адабий мероси намуналарининг рус тилида чоп этилиши билан боғлиқ лойиҳаларни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз, — деди профессор Ф.Мухаметшин «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — «Очилаётган атиргуллар ифори» тўпламидан ўзбек халқининг тарихий ва маданий илдизларини намоён этадиган ажойиб ижод намуналари жой олгани эътиборга сазовордир.

**«Художественная литература» нашриёти директори Георгий Пряхин** ҳам Ўзбекистоннинг халқ ижодиётига бағишланган мазкур тўпламда қатор ўзига хосликлар мавжуд эканлигини таъкидлади.

— Ўзбек фольклори ҳатто Россия ҳудудидаги энг йирик ноширлик уйларидан бири бўлган бизнинг нашриётда ҳам рус тилида ва бундай тўлиқ кўринишда шу пайтга қадар чоп этилмаган эди, — деди Г.Пряхин. — Қайд этиш жоизки, тўпламга киритилган баъзи асарлар илк маротаба замондош шоир ва ёзувчилар томонидан рус тилига маҳорат билан таржима қилингани ҳолда нашр этилди.

Шунингдек, Г.Пряхин китобнинг иккинчи жилдидан халқ ижодининг инсон қалбини жунбушга солувчи бетакрор намуналаридан бири – оналар ўз фарзандига айтадиган «ўзбек алласи» ҳам жой олганига алоҳида тўхталди.

— «Алла» ўзбек фольклорининг энг қадимий жанрларидан биридир, — деди у. — «Очилаётган атиргуллар ифори» тўплами ўзбек халқи ва унинг қалбини англаш ва кашф этиш учун бетакрор манба ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XV асрга оид ёрқин ва чиройли миниатюралар билан безатилган ушбу тўплам эркин савдога чиқарилмайди. Улар миллий кутубхоналар, олий ўқув юртлари маърифат марказлари, яқин ва узоқдаги хорижий мамлакатларнинг маданий-маърифий муассасаларига бепул тарқатилади. У китобхонларда катта қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ.

**«Жаҳон» АА**

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида «Хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш» мавзуида амалий-ўқув семинари бўлиб ўтди.***

# МАҚСАД — ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Тадбирда Савдо-саноат палатаси мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган 2011 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Натижада мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши изчил ортиб бормоқда.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховнинг айтишича, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан хусусий секторнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, унга турли имтиёз ва преференциялар берилаётгани тадбиркор ҳамда ташаббускор мулкдорлар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Тадбир давомида Савдо-саноат палатаси мутахассислари бизнесни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши масалаларини муҳокама этди. Палатанинг ҳудудий бошқармалари, шаҳар, туман бизнес ҳамда ахборот-маслаҳат марказлари вазифаларига катта эътибор қаратилди.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш масаласи алоҳида таъкидлаб ўтилди. 2011 йилда Савдо-саноат палатаси вакиллари назорат органлари томонидан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларни 716, жумладан 618 режали ва 98 режадан ташқари текширувларда иштирок этгани қайд этилди. Ҳисобот даврида судларга умумий қиймати 471,1 миллиард сўмлик 11 мингдан зиёд даъво аризалари киритилди.

Семинар давомида бизнес ҳамжамият учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

**М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири**

# ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТЛАР

***Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг ахборотлаштириш бошқармаси ҳузурида ягона баланс технологияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундай технологияга асосланган дастурий мажмуа орқали қатор хизматлар ташкил этилмоқда.***

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг биллинг тизими, ДУЕТ пластик карточкалари ҳам амалиётга татбиқ этилди. Айни вақтда интернет ҳамда телекоммуникация технологиялари асосида дастурлар учун масофадан ишлаш имкониятларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Инфокиоскалар эса «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг маълумотлар узатиш тармоғи орқали «Алоқабанк»нинг ДУЕТ тизимига уланган.

Банкда шаҳарлараро телефон сўзлашувидаги харажатларни қисқартириш мақсадида замонавий Up-Телефония тизими жорий этилди. Эндиликда «Up» тизими банкнинг бир неча филиалларида ҳам қўлланилмоқда.

Коммунал тўловлар қабул қилиш ва ПАЙНЕТ тўлов тизими дастурлари хизматидан мижозлар мамнун. Оптик толали кабель билан Марказий банк компьютер тармоғи орқали боғлаш жараёни ҳам амалиётга татбиқ қилинди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

«Ташаббус — 2012»

# ТУМАН БОСҚИЧИДА — ЭНГ МОҲИРЛАР

***Улкан мақсадларни кўзлаган ҳолда халқ манфаати йўлида тинмай изланаётган тадбиркор ва ҳунармандларимиз ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловларида қатнашиб, ўзаро тажриба алмашадилар, маҳоратларини оширадилар.***



Кеча шаҳримизда «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг туман босқичи бошланди. Мазкур тадбирда иштирок этаётган тадбиркор ва ҳунармандларимиз белгиланган шартлар асосида ўзаро беллашмоқдалар. Кўрик-танловнинг Юнусобод тумани босқичида ҳам 30 га яқин соҳа вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган юзга яқин халқ истеъмоли моллари, саноат, ҳунармандчилик, бинокорлик маҳсулотлари кўргазмаси намойиш қилинди.

— Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни янада ривожлантириш борасида яратилаётган қулай шарт-шароитларнинг самарадорлигини кўтариш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш, ёш тадбиркор ва ҳунармандларни кашф этиш, — дейди Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод туман бўлими раҳбари Дилбар Зайнуддинова.

Анъанавий кўрик-танловда ишлаб чиқаришда салмоқли ютуқларга эришаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ҳар томонлама ўрганилди. Энг муҳими, танлов давомида мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар, «Усто-шогирд» мактабининг фаолияти кенгайиб бораётганининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Тадбир якунларига кўра маҳсулотлари ва ижодий ишлари алоҳида эътироф этилган тадбиркор ва ҳунармандлар «Ташаббус-2012» танловининг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Нигора БОЙХЎЖАЕВА**

## Спорт янгиликлари

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ўртасида анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди.**



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

# ДИПЛОМАТЛАРНИНГ ШАХМАТ ТУРНИРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ташкил қилинган ушбу мусобақада АҚШ, Буюк Британия, Россия, Украина, Латвия, Словакия, Грузия, Италия, Кипр, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатларнинг элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ўзаро куч синашди.

Мусобақа ФИДЕ – Халқаро шахмат федерацияси қоидаларига мувофиқ Швейцария тизими бўйича ўтказилди.

Анъанавий турнирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари К.Рашидов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турларини, хусусан, шахматни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Дипломатлар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган бундай мусобақалар халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

– Ўзбекистонда шахматнинг тобора оммалашиб бораётгани мамлакатингизда спортнинг барча турларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир, – деди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анумула Гитеш Сарма. – Дипломатик корпус вакиллари ўртасида бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу шахмат беллашувида элчихонамиз вакиллари мунтазам иштирок этади. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори спортнинг шахмат йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради.

Бу галги турнирда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакилларига ва учинчи ўрин Буюк Британия вакилларига насиб этди.

**(ЎзА)**

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

***АҚШда теннис бўйича уюштирилган халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувларини мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин муваффақият билан бошлади.***

Ҳамюртимиз россиялик Михаил Елгин билан биргаликда Жеймс Варт ҳамда Майкл Ями жуфтлигига қарши кортга чиқиб икки сетда 6:4, 6:2 ҳисобида ажойиб ғалабага эришди ва кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

## КУРАШЧИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

***Россияда эркин кураш бўйича нуфузли халқаро турнирда мезбон курашчилар билан бир қаторда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Озарбойжон, Беларусь ва қозоғистонлик спортчилар етти вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.***

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Қурбонов 74 килограмм вазн тоифасидаги саралаш учрашувларида барча рақибларини енгди. Ҳал қилувчи баҳсда эса россиялик Заурбек Макиев устидан зафар қучиб, олтин медални қўлга киритди.

Истеъдодли спортчимиз ўтган йили эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ТАҚВИМ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***Маълумки, 19-24 март кунлари шаҳримизда мини футбол бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионатига саралаш турнири бўлиб ўтади.***

Осиё футбол конфедерацияси томонидан ана шу нуфузли мусобақа тақвими эълон қилинди.

Осиё чемпионатига саралаш турнирининг «Ғарб» минтақаси баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган Ўзбекистон чемпиони, шаҳримизнинг «Ардус» жамоаси бир гуруҳда Қатарнинг «Ар-Райян», Ироқнинг «Ал-Кахр», Қирғизистоннинг «Налоговик» ҳамда БААнинг «Ал-Васл» жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

## ТЎРТЛИКЛАР

**Жонимдан томчилаб томар бир туйғу,**
**Кипригим қатидан сизади қайғу.**
**Сен буни кўрмайсан, сенга кўрсатмас,**
**Ғафлат бешигида мастона уйқу.**

* * *

**Бу жафо жон ичрадир, жонга омонлик истадим,**
**Қуш қидирган ул зиё, донга омонлик истадим.**
**Кетурмиз деб бўзлама бу дунё дийдаси тошдан,**
**Келгувчи ҳам Ҳақ бандаси онга омонлик истадим.**

* * *

**Қушнинг қанотини жуфт яратмишдир,**
**Ел ўпса райҳонлар бўй таратмишдир.**
**Соз нечун юракни ёндирар деманг,**
**Ошиқлар оҳидан куй яратмишдир.**

* * *

**Зулф зари у тилло тароқда эмас,**
**Қор ёғсин ва лекин қабоқдан эмас,**
**Биз сизга суйкалмай суйиблар юрдик,**
**Бир бўса тиласак гуноҳкор демас.**

* * *

**Гулдан сўрсам, гулоб бўламан дейди,**
**Дилдан сўрсам рубоб бўламан дейди,**
**Ерга дедим: келгил, сен ҳам кўнглинг оч,**
**Сева билсанг, офтоб бўламан дейди.**

* * *

**Эр йигит кўксида жонмас, ор яшар,**
**Айтинг, ким онадек интизор яшар.**
**Қарға қишни асраб қолибди қачон,**
**Ҳар ниҳол кўркида бир баҳор яшар.**

* * *

**Сени керилтирар текин ёғли нон,**
**Орингни келтирар мен ичган ёвғон.**
**Юрагим тафтида қайнайди, билсанг,**
**Шу қора қозону шу қора қумғон.**

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ТОИР**

## Тадбирлар

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

***Аёл дунёни тебратади, дейишади доно халқимиз. Айниқса, ўзбек аёлларининг оила деб аталмиш муқаддас даргоҳдаги ўрни юксак қадрланади.***

Биламизки, оила — маънавият бешиги сифатида асрлар давомида қадрланиб келинган ва ҳамон қадриятлар қўрғони дея эътироф этилади. Бугун оиламиз мустаҳкам бўлса, маҳаллалар тинч, юртимиз осойишта, халқимиз фаровонлиги ошиб бораверади. Шу ўринда оиланинг мустаҳкам бўлишида хотин-қизларнинг ролини алоҳида таъкидлаш мумкин. Оилада қачон мустаҳкамлик бўлади. Биринчи навбатда турмуш қураётган қизларга оиланинг муқаддаслиги сингдирилса, ёшлар ҳар томонлама турмушга тайёрлансагина бўлажак оилаларнинг мустаҳкамлиги таъминланади.

«Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан айнан шу қадриятларни ёшлар онгига сингдириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сонли академик лицейда «Мустаҳкам оиланинг шаклланишида хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Мазкур тадбир «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳарча бўлими, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Олмазор тумани ФҲДЁ бўлими ҳамда талабалар поликлиникаси билан ҳамкорликда уюштирилиб, унда оиланинг шаклланишида хотин-қизларнинг ролини янада ошириш, турмуш қураётган қизларга оиланинг муқаддаслигини сингдириш, талаба-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатларини шакллантириш, ёшларнинг тиббий кўникмаларини кучайтириш ва уларни ҳар томонлама турмушга тайёрлаш борасида сўз борди.

Тадбир сўнгида талаба-қизлар ўзларини қизиқтирган саволлари билан мутахассисларга мурожаат қилиб, керакли тиббий билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар ёшларнинг мустаҳкам оила барпо этишида ўзига хос замин яратиши, шубҳасиз. Зеро, оила мустаҳкамлиги халқ фаровонлигидан далолат беради.

**Ўткир МАҲКАМОВ,**
**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги матбуот котиби**

***Тошкент Темирйўл транспорти муҳандислари институтида талабаларнинг малакавий битирув ишларини ҳимоя қилиш тараддуди кўрилмоқда. Олий ўқув юрти электромеханика факультети локомотив кафедрасида ҳам бу жараённи муваффақиятини таъминлаш борасида самарали изланишлар олиб борилмоқда.***

## Таълим

# ИЗЛАНИШЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Шуниси эътиборлики, талабаларнинг изланишлари бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳимоя қилинмоқда. Буни «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Корхона ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳар йили 30-40 та мавзуни ишлаб чиқиш учун институтга таклиф этади, — дейди доцент Акмал Зоиров. — Олий ўқув юрти эса бундай муаммоларни атрофлича ўрганиб, тегишли тарзда такомиллаштиради. Иқтидорли талабалар ўз қизиқишларига кўра, танлаган мавзулари бўйича муайян цеҳ ёки участкаларда бир йил давомида тадқиқот ишларини олиб боришади.

— Тепловоз қисмларини пайвандлашга оид мавзу таъмирлашда бутунлай янгилик ҳисобланди. Магистр Равил Гизаев изланиш жараёнида генератор ишлаб чиқарган токни электродвигателга етказиб беришда юз берадиган турлича қаршиликлар сабабларини кузатиб, мавзуни тўла ёритишга эришди. Магистр Зоир Қулахметовнинг эса катта амперли ток туфайли контакторда юз берадиган қуйишмалар оқибатини бартараф этишга доир тадқиқоти Бухоро локомотив депосига қарашли тепловозлардан бирида синовдан муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон темир йўлларида ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган техникаларга янги ҳаёт бахш этишда ҳам изланувчан толиби илмлар олиб бораётган изланишлар қўл келмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## «01»

# ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

***Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилаяпти.***

Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга кенг оммани жалб қилишдан иборат. «Тилсиз ёв» билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

— очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

— электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолатга келган, қўлбола тайёрланган шундай асбоблардан фойдаланмаслик;

— белгиланмаган жойларда чекмаслик.

Юқоридаги қоидаларга риоя этсак, биз уйларимизни, иш ва ўқиш жойимизни, қолаверса, ўзимиз ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини рўй бериши мумкин бўлган ёнғинлардан асраб қолган бўламиз.

Болалар бизнинг келажагимиз, уларни асраб-авайлаб вояга етказишга, Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига ҳаммамиз жавобгармиз. Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Шундай экан, ҳар биримиз қаерда бўлсак ҳам улардан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни ҳеч қачон аямайлик.

**З.АКБАРОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ХЁХО капитани**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **7 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг биринчи ярмида ёғингарчилик (ёмғир ёғиб, енгил қорга айланиши мумкин) бўлади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **7 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

«AHROR-TEMUR-B.m.» хусусий корхонасига (ИНН 204574195) Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2006 йил 27 декабрда берилган № 10-001186 реестр рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод тумани, 13-мавзе, 25-уй, 14-хонадонга тегишли бўлган, Абдуллаева Радҳа Тоҳировна номидаги уй-жой режаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.45

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5